

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 191 (1252), 2024 йил 19 сентябрь, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 сентябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Виталий Савельев, Россия Президенти маслаҳатчиси Игорь Левитин ва "Российские железные дороги" компанияси бошқаруви раиси Олег Белозёровдан иборат делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида Россия делегацияси аъзолари давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Жорий йилнинг 26-28 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий

даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақада самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт соҳасида sanoat кооперацияси лойиҳаларини жадаллаштириш, автомобиль, темир йўл ва авиация йўналишларида шерикликни янада кенгайтириш, юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Буюк ўзбек йўли

ҲОЗИРГИ ЗАМОН: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ФАЛСАФАСИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятини бошлаганидан буён ўтган қисқа давр ичида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси, бир қатор кодекс ва қонунлар, миллий стратегия ва давлат дастурларини қабул қилиш ташаббусларини илгари сурди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини тиклашга қаратилган кўплаб фармон, қарор ва фармойишларни имзолади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига изчиллик билан жорий этилаётган ана шу кўламдор, муҳим ва долзарб ҳуқуқий асосларни яратишнинг туб сиёсий-назарий моҳияти Ўзбекистон Президентининг китоблари, дастурий маъруза ва нутқларида батафсил баён этилган. Шундай фундаментал асарлардан бири — "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" китоби 2022 йилда чоп этилган бўлса, 2024 йилда "Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон" номли навбатдаги салмоқли сиёсий асар нашрдан чиқди.

Давоми 3-бетда



Нуктаи назар

МУНТАЗАМЛИК КАСБ ЭТГАН МУЛОҚОТ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР НИМАСИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ?

Ўзбекистон юритаётган ташқи сиёсатнинг пировард мақсади аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турмуш тарзини яхшилаш, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш ҳамда ривожланган давлатлар қаторидаги ўрнини мустаҳкамлашдир.



Бу борада Президентимизнинг хорижий давлатларга қилаётган ташрифлари, хорижий давлат раҳбарларининг юртимизга келиб, яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдираётгани диққатга сазовор.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама чуқур ўйлаб юритилаётган ташқи сиёсат, иқтисодий дипломатиянинг натижалари нуфузли халқаро ташкилотлар билан муносабатларда ўз аксини топмоқда.

Давоми 2-бетда

Қарор ва ижро

"ХОТИН-ҚИЗЛАР.ЎЗ" ПЛАТФОРМАСИ

АЁЛЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТИЗИМЛИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади.

Шу боис, мамлакатимиздаги ислохотлар жараёнида оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, жамият ва давлат ишлари бошқарувида уларнинг тенг иштирокини

таъминлаш, шунингдек, таъинқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давоми 2-бетда



Тўртинчи учрашувда БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР

ИЖРОСИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Таҳлил

Давлатимиз раҳбари жорий йил 7 сентябрда "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Унга мувофиқ, кичик бизнес вакилларини узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида қатор янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда.



— Жумладан, шу пайтгача гаровсиз тақдим этилаётган кредитлар rischi тижорат банклари бўйида қолаётган эди, — дейди "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Бурҳон Нормирзаев. — Қарор билан ўша риск давлат томонидан тақсимланди. Яъни бир қисми давлат, бир қисми тадбиркор зиммасида қоладиган бўлди. Ажратиладиган маблағ миқдори ҳам 300 миллион сўмгача оширилди. Бундан мақсад кредит берувчилар олдидagi таваккалчиликни камайтириш орқали уларни қўллаб-қувватлашдир.

Аслида, ҳеч бир молия ташкилоти гаровсиз кредит беришни хоҳламайди. Лекин унинг rischi тақсимланган бўлса ёки кимдир уни бўйига олса, кредит берувчилар сони кўпаяди. Шу боис, мазкур амалиёт барча тижорат банклари ва микромолиявий ташкилотлар қизиқишини оширади.

Давоми 4-бетда

Таълим тараққиёти

ХАЛҚАРОЛАШУВ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

НУФУЗЛИ РЕЙТИНГЛАР ПИЛЛАПОЯСИДИР

Мамлакатимизда инсон капиталига эътибор устувор масалалардан бири. Бу Ўзбекистон келажагини белгиловчи таълим тизими, кадрлар тайёрлаш бўйича фаолиятни мунтазам ривожлантириб боришни тақозо этади. Янгиланаётган Ўзбекистонимизда олий таълимда ҳам хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган. Олий таълим трансформацияси бўйича бир қатор масалалар ижросини кутмоқда. Бу йўналишда илғор университетларимиз ишларни аллақачон бошлаб юборган.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида кўплаб вазифалар қатори айнан таълимга тегишли ишларнинг алоҳида ўрин эгаллагани, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишдан тортиб, олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш каби қатор муҳим вазифалар ҳам белгиланган янги режалар ва дастурлар асосида ишлашни тақозо этмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида кўрсатилган вазифалар аниқ йўналишлар бўйича қандай ишларни амалга ошириш зарурлиги долзарб масаладир. Барча фаолиятимиз шунга қаратилган. Аммо тезкор ахборот алмашинуви даврида ҳар куни янги қарашлар, янги чақириқлар кўринмоқда.

Давоми 5-бетда

Замондош

ФАН ДАРАЖАСИГА КўТАРИЛГАН САНЪАТ СОҲИБИ

Ёхуд Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси,
хагтот Ҳабибулло
Солиевнинг сабр меваси

6



■ Нуқтаи назар

МУНТАЗАМЛИК КАСБ ЭТГАН МУЛОҚОТ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР НИМАСИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ?

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақани ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги доимий мулоқоти самараси дунёнинг ривожланган мамлакатлари диққат марказига тушиди. Пировардига жаҳон миқёсида Марказий Осиёнинг аҳамияти ошди. Бунинг минтақа республикалари ва йирик давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлигининг турли форматлари ташкил қилинаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Бунга Марказий Осиё — АҚШ, Марказий Осиё — Европа Иттифоқи, Марказий Осиё — Корея Республикаси, Марказий Осиё — Япония каби мулоқот форматларини мисол сифатида келтириш мумкин. Улар қаторига охириги йилларда Марказий Осиё — Ҳиндистон, Марказий Осиё — Хитой, Марказий Осиё — Россия Федерацияси, Марказий Осиё — Германия сингари янги форматлар қўшилди. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Бундай фаоллашув, аввало, минтақа давлатлари ўртасидаги дўстона муҳит яхшиланишини кўрсатса, иккинчидан, ҳоризонт мамлакатлари нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга аҳамият қаратаётганидан далолат.

Мазкур савий-ҳаракатлар изчиллигини 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги очилликка, ўзаро манфаатли алоқаларда кўришимиз мумкин. Жумладан, сўнгги пайтларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида Европа Иттифоқи, хусусан, Германия билан ҳар томонлама стратегик шериклик борасида бир қанча амалий ишлар қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20-22 январь кунлари Германияга расмий ташрифини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки мазкур ташриф Ўзбекистон раҳбарининг 18 йил давомида ушбу мамлакатга биринчи ташрифи эди. Айнан шу сафарда Германия билан сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, янги инвестициялар, маданий ва илмий алоқаларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Икки давлат раҳбарлари учрашувида Марказий Осиёда доллар сийосий муаммолар, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, хусусан, Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш ҳамда минтақамиз бўйича Европа Иттифоқининг янги стратегияси муҳокама қилинди. Ўтган беш йил мобайнида Германия билан ўзаро ҳамкорликда иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, илм-фан ва инновация соҳалари бўйича қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу олий даражадаги учрашувлар давомида эришилган келишувлар, шунингдек, глобал ва минтақавий тузилмалар доираларидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари 2021 йил 12 март кунги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Канцлери Ангела Меркелнинг онлайн саммитида ҳам муҳокама қилинди. Бу мулоқотлар давоми сифатида 2022 йил 31 октябрь — 2 ноябрь кунлари Германия ташқи ишлар вазирини Анналена Бербок Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида уни давлатимиз раҳбарини қабул қилди. Анналена Бербок мамлакатимизнинг вазирлик ва идораларда қатор учрашувлар ўтказди. Шу билан бирга, меҳмонлар Самарқанд шаҳрида бўлди. Бундай учрашувлар натижасида нафақат Ўзбекистон,

балки минтақадаги глобал муаммоларга ҳам босқичма-босқич ечимлар таклиф этилаётганини таъкидлаш лозим.

Икки давлат ўртасидаги мулоқотлар йилдан йилга фаоллашиб бораётганига 2023 йилнинг 2-3 май кунлари Ўзбекистон Президентининг Германияга навабатидаги ташрифи яққол мисол бўлади. Мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон раҳбари Германия Федерал Президентини Франк-Вальтер Штайнмайер, Канцлер Олаф Шольц ва мамлакатнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Бугунги кунга келиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик кўп қиррали бўлиб, савдо-иқтисодий, сармолавий, технологик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларни қамраб олган. Мазкур ҳамкорлигининг яна муҳим бир жиҳати шуки, Ўзбекистон Германия билан кўп томонлама форматларда БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, бошқа тузилмалар доирасида глобал ҳамда минтақавий кун тартибидagi масалалар бўйича самарали ишламоқда.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, олдинги йилларда имзоланган шартномаларни бажариш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 15 сентябрь кунини Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий, миграция ва бошқа муҳим стратегик йўналишдаги масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон — Германия олий даражадаги музокаралари натижасида қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида “Миграция ва мобиллик соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисида”ги ҳукуматлараро битим ҳам бор.

Мазкур битимда икки давлат ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширишни мақсад қилган малакали мутахассислар, шу жумладан, талабалар ва касбий таълим олабтани шакллари ҳамда журналистлар ва олимларнинг адолатли мобиллигини рағбатлантириш назарда тутилган. Шунингдек, вақтинча миграцияни рағбатлантириш ва соддалаштириш ҳамда касбий таълим, малака ошириш сабабига кўра ҳамда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида давлатда узоқ муддат бўлишни рағбатлантириш механизмлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Ноқонуний миграция ва одам савдосининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, меҳнат эксплуатацияси, мажбурий меҳнат, жабранувчиларни ҳимоя қилиш, икки давлат ҳудудида яшаш ёки кириш шартларини бажармаган фуқароларни қайтаришни соддалаштириш борасидаги норматив ҳужжатларга аниқлик киритилган.

Германия Федерал Канцлерининг Самарқанд шаҳрига ташрифи ҳамда 17 сентябрь кунини Остона шаҳрида иккинчи “Марказий Осиё — Германия” саммити очик ва конструктив мулоқот тарзида ўтказилгани барча соҳада самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим платформага айланади. Энг асосийси, минтақа, хусусан, Ўзбекистонда кечаётган барча ислохотлар Марказий Осиё давлатлари мустақиллигини мустаҳкамлаш, суверенитетини сақлаш, тараққиётни ва ривожланишига замин яратяди.

Нодирбек РАСУЛОВ, иқтисодиёт фанлари доктори

■ Қарор ва ижро

Бошланиши 1-бетда

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 сентябрдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада тақомиллаштириш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар ривожига яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўртимиздаги ислохотлар бутун халқимиз, айниқса, хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятида катта ўзгаришлар ясамоқда. Жумладан, гендер тенгликни таъминлашнинг қонунийлик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилди. Жамиятнинг таъминлаш ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилди. Хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим олиши ва салохиятини рўбega чиқариши учун кенг имконият яратишга қаратилган 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бу борада қатор вазифалар белгиланган ва айни пайтда изчил амалга оширилмоқда. Стратегиядаги ҳар бир мақсад, белгиланган вазифалар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга хизмат қилмоқда. Хусусан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизimini кучайтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий

фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш борасида қатор амалий чора-тадбирлар кўриломоқда.

Бу жараёнда жамиятда гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш орқали бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улущини 30 фоиз ошириш мақсад қилинган. Жамиятда хотин-қизларга таъин қилиш ва зўравонликка нисбатан муросасиз муҳит яратиш, “Аёллар дафтари” билан манзилли ишлашнинг шаффоф механизминини йўлга қўйиш, мазкур ишлар бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш кабилар назарда тутилган.

— “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида бу жабҳада кенг қамровли чора-тадбирлар кўриляпти. — деди Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бўлим бошлиғи Улғулло Ҳусенова. — Жумладан, “Соғлом оила — соғлом жамият” ширини остида оилалар фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш, низоли

■ Муносабат

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ



Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2022 йили дунё аҳолисининг деярли 9 фоизи ёки қарийб 712 миллион нафари қашшоқликда яшаган. Яъни кунига 2,15 доллардан кам маблағ ҳисобига кун кўрган. Уч ярим миллиарддан зиёд аҳоли эса кунига 5,5 доллардан кам даромад топиб, қашшоқлик чегарасида ҳаёт кечирган. Таҳлилчиларнинг фикрича, камбағал қатламнинг учиндан икки қисми болалар ва ёшлар бўлиб, аксарият минтақалардаги камбағалларнинг катта қисмини аёллар ташкил этади. Кўришиб турибдики, камбағалликни бартараф этиш қарийб барча мамлакатларнинг мақсадиридир. Бу эса, шубҳасиз, биргаликдаги ҳаракатларни талаб этади.

Шунинг учун БМТнинг 2000 йилда қабул қилинган Минг йиллик декларациясида ҳам, 2015 йилда қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадлари дастурларида ҳам камбағалликдан халос бўлиш энг устувор вазифа сифатида белгиланган. Гарчи дунё ҳамжамиятининг савий-ҳаракатлари тўғрисида 2015-2018 йилларда глобал қашшоқлик кўрсаткичи 10,1 фоиздан 8,3 фоизга қайтаган бўлса-да, коронавирус пандемияси, табиий офатлар, турли минтақалардаги урушлар ва иқтисодий ўсишининг секинлашуви камбағаллик даражасининг яна ошишига сабаб бўляпти. Мутахассислар таъкидлашчи, агар камбағалликка қарши курашни бугунги суръатларда давом этса, 2030 йилга қарийб 757 миллион киши камбағалликда яшайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, камбағаллик даражасини қисқартириш мақсадида 105 та мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун 350 дан ортиқ дастур қабул қилинган. Аммо шунга қарамай, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағлар ҳажми 2015 йилдаги 47 фоиздан 53 фоизга ошган.

Яна бир гап: камбағаллик фақатгина ривожланмаган ёки энди ривожланаётган эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам мавжуд. Масалан, АҚШнинг 36-президенти Линдон Жонсон 1964 йилда Конгрессга қилган мурожаатномасида камбағалликка қарши уруш эълон қилиш таклифини билдирган эди. Натижада АҚШда Иқтисодий имкониятлар акти қабул қилиниб, камбағалликка қарши курашиш мақсадида махсус давлат органи ташкил этилган. Таълим ва соғлиқни сақлаш учун давлат харажатларини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, уларга иқтисодий имкониятлардан фойдаланишни ўргатиш каби масалалар ана шу ислохотларнинг асосий йўналишлари эди.

Маълумки, Хитой охириги 40 йилда 800 миллион кишини камбағалликдан чиқаришга муваффақ бўлди. Яъни ушбу мамлакатда тараққиёт камбағалликка қарши кураш учун калит бўлди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 2013 йилда биринчи марта қишлоқ аҳолисига

манзилли ёрдам кўрсатиш гоёсини илгари сурган ва махсус тайёргарлик кўрган 3 миллионга яқин мутахассис камбағал қишлоқ туманларига юборилган эди. Шу ўринда чекка қишлоқларда ички ва халқаро бозорлар билан боғланган янги транспорт, энергетика ва телекоммуникация инфратузилмаси яратилгани қашшоқликни бартараф этишда муҳим роль ўйнаганини таъкидлаш жоиз. Ушунда 100 мингдан зиёд қишлоқ мактаблари капитал таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Сир эмаски, бизда узоқ йиллар давомида камбағаллик мавзуси ёпиқ бўлди. Унинг ўрнига “кам таъминланганлик” тушунчасидан фойдаландик. Ваҳоланки, ҳар қандай муаммони ҳал этишнинг биринчи шартининг мавжудлигини тан олишдан бошланади. Шунинг учун ҳам янги Ўзбекистон тарихида 2017 йил тарихий воқеаларга бой йил, дея эътироф этилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айнан шу йили халқ билан ишлашнинг янги тизими йўлга қўйилди, инсон қадрини ва манфаатларини

“ Камбағалликни қисқартириш янги ўзбекистоннинг миллий сиёсатида айланган ва мамлакатимиз тараққиётини учун қанчалик аҳамиятли экани янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Бош қонунимизнинг 42-моддасида меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, 43-моддада эса давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни исҳишликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши каби янги мажбуриятларни ўз зиммасига олмақда.

ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Натижада камбағаллик муаммосининг ечимига қаратилган таҳлилларни ўрганишдан бошланди. 2020 йилнинг 24 январь кунини эса Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида республикамизда камбағалликни қисқартириш энг долзарб масала сифатида кун тартибига киритилди. Ушунда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди.

Шундан кейин кўп ўтмай, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси” қабул қилинди.

Энг муҳими, аҳолини ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамрашни кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётини ҳолатлардан олиб чиқиш, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу соҳадаги ишларни тизимли олиб бориш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Камбағалликка қарши курашиш бўйича илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда амалиётга таъбиқ этиш мақсадида мамлакатимиз кўллаб-қувватлаш мақсадида қилди ва Ўзбекистон очик мулоқотлар майдонига айланди.

Қайд этиш жоизки, 2023 йилда ижтимоий соҳа харажатлари учун давлат бюджетидан 137,2 триллион сўм ёки умумий харажатларнинг 48,8 фоизи ажратилди. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 12,9 фоизни ташкил этганини айтиш мумкин. Хусусан, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми — 44,6 фоизи таълим тизимига йўналтирилди. Бунда ўтган йиллар давомида ижтимоий ҳимоя олуви оилалар сони 446 мингдан 2,2 миллионга етиб, 4,5 қарра ошганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм арзон кредит, 7 триллион сўм субсидия берилгани ҳам ушбу жараёнини тезлаштирди. Шу ўринда 260 минг гектар ернинг 800 минг фуқарога деҳқончилик учун ажратилгани давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарорлари қатъийлигидан далолат беради, албатта.

Ана шундай савий-ҳаракатлар натижасида 2023 йили камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди.



Шу йил 11 сентябрь кунини бўлиб ўтган тарихий видеоселектор йиғилишида эса Президентимиз томонидан камбағалликка қарши курашиш бўйича ислохотларнинг янги саҳифаси очиб берилди дейиш мумкин. Дарҳақиқат, кадрларимиз ва давлат кўмагида камбағалликка барҳам бериш мамлакатни тараққиётга элтувчи энг тўғри йўлдир. Албатта, давлат кўмаги ижтимоий ҳимоя, иқтисодий имконият ва ижтимоий маъсулият билан бирга тақдим этилгандагина ўзининг ижобий натижаларини беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан камбағалликка барҳам беришнинг энг тўғри йўли таълим экани бежиз таъкидланмапти. Таълимнинг шунинг кўрсаткичи, юқори маълумотга эга бўлганлар кўйини маълумотга энг бўлганларга нисбатан кўпроқ иш ҳақи олади. Таълимга сарфланган қўшимча ҳар бир йил эса ҳодимнинг иш ҳақи 10 фоизгача ошишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам йиғилишда камбағалликдан чиқиш учун, энг аввало, таълим олиш имкониятини кенгайтириш лозимлиги қайта-қайта таъкирланди.

Айниқса, олийгоҳ, коллеж ёки техникумга киришда грант учун етарли баллнинг 80 фоизини тўплаган камбағал оила фарзандларига қўшимча грант ажратилиши, ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган талабаларга фойсиз таълим кредити берилиши ҳамда камбағал оилаларда хотин-қизларнинг олий маълумотли бўлишига қаратилган ташаббуслар минг-минглаб юрдошларимиз қалбидаги гаплар эди.

Яна бир масала — камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш тораба аҳамиятли бўлиб бормоқда. Тадбиркор қамиша савоҳатпеша бўлиши, етим-есирларга бош бўлиб, уларнинг ўз ҳаёт йўлларини топиб олишига кўмаклашиши, шубҳасиз, қариятларимизга хос фазилатдир. Ўзбекистонда эса давлат томонидан бундай тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлаган қорхоналарга турли имтиёзлар берилиши ва лойиҳаларни молиялаштиришда янги тизим яратилиши бўйича Президентимиз томонидан билдирилган ташаббуслар давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Камбағалликни қисқартириш янги Ўзбекистоннинг миллий сиёсатида айланган ва мамлакатимиз тараққиётини учун қанчалик аҳамиятли экани янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Бош қонунимизнинг 42-моддасида меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, 43-моддада эса давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни исҳишликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши каби янги мажбуриятларни ўз зиммасига олмақда.

Ушбу хайрли мақсадга эришиш учун давлат томонидан аҳоли гуруҳлари ўртасида янги даромаднинг адолатли тақсимлаш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлар томонидан эса фойдодиллик ва ҳалоллик, камбағал аҳоли қатлами томонидан ирода, меҳнатсеварлик ва интилувчанликнинг ўйбунлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

олти ойда қарийб етмиш беш мингга яқин хотин-қизга 1 триллион 230 миллиард сўм кредит ажратилди.

Ўз навбатида, юртимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларни ҳуқуқий ҳимоялаш, оила ва жамиятда фаоллигини ошириш борасидаги тизимли ишлар ва тўплаган миллий таъриба халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётди. Хусусан, Жаҳон банкнинг жорий йилда эълон қилинган “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси ҳисоботида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида энг тез ривожланаётган 5 мамлакат қаторида қайд этилди. Ушбу индексда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари ва оиладаги зўравонликка қарши кураш соҳасидаги ислохотлар муваффақиятли деб топилган.

Энди бу йўналишдаги ишлар янада тақомиллаштирилади. Хусусан, хотин-қизлар муаммоларини чуқур ўрганиш ва ечимини топишга эътибор қучади. Шу мақсадда 2024 йил октябрь ойидан “Хотин-қизлар.уз” платформаси доирасида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва тизимли ҳал этиш модули ишга туширилади.

Муаммоларини ўрганиш модулига қиритилган масалаларни, биринчи навбатда, маҳалла ва туман (шаҳар) даражасида, зарур ҳолларда эса вилоят ёки республика даражасида ҳал этиш ва мониторингини юритишни назарда тутувчи механизм жорий қилинади. Шу билан бирга, янги тизим орқали келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш, хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасида доимий мониторинг юритилади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“ХОТИН-ҚИЗЛАР.UZ” ПЛАТФОРМАСИ

АЁЛЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТИЗИМЛИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ



“ Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Бу борада кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида тижорат банкларини томонидан жорий йилнинг олти ойда қарийб етмиш беш мингга яқин хотин-қизга 1 триллион 230 миллиард сўм кредит ажратилди.

хонадонлардаги муҳитни соғломлаштириш мақсадида маҳаллаларда манзилли ишлар қилинапти.

“Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, оилавий тадбиркорликни мустаҳкамлаш комиссияси, тегишли мутахассислар ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муаммоларни оилалардаги муҳит ўрганилиб, низоли ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Жарроҳлик амалиётига муҳтож хотин-қизларни соғлом ҳаётга қайтариш учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадили жамғармаси томонидан маблағ ажратилиши бўйича қўмита томонидан йиллик режа тасдиқланиб, апрель-июнь ойларида эҳтиёжманд 735 хотин-қиз ва болаларнинг жарроҳлик операцияси ҳамда даволаниши учун 10 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Бу борада кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида тижорат банкларини томонидан жорий йилнинг

Буюк ўзбек йўли

ҲОЗИРГИ ЗАМОН: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ФАЛСАФАСИ



Акмал САИДОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Бош ғоя — инсон қадрини улуглаш

Муаллифнинг кўп йиллик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, воқеликка янгича ва теран ёндашувларининг маҳсули бўлган ушбу китоб қуйидаги сўзлар билан бошланади:

“Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шунки, ўзини ўзгартиришга қодир бўлган, вақтни имкониятга, имкониятни ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворида айлантира олган халқ буюк халқдир.

Бундай халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, кўзлаган мурод-мақсадларига албатта эришади. Мен ана шундай улуг эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг қалбидagi эзгу орзу-умидларини рўйбга чиқариш йўлида хизмат қилишни ўзим учун улкан шараф ва масъулият деб биланам”.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев серкирра ва натижадор фаолиятининг маъно-маъмунига айланган, кейинги саккиз йил давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг марказида турган давлатимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуглаш каби эзгу тушунчалар маъруз китобнинг бош ғояси, асосий лейтмотивини ташкил этади.

Янги Ўзбекистоннинг бугунги қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида турган ўрни ва мавқеи, муҳим халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, долзарб масалалар бўйича илгари сурётган кўплаб ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ушбу кенг қамровли, фундаментал асарда чуқур таҳлил ва далиллар, аниқ фикр-мулоҳазалар асосида теран ёритиб берилган. Муаллиф таъбири билан айтганда, “Эртанги кун тарихини бугун ёзишимиз шарт. Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар, пухта ўйланган истиқбол режалар, янги марра ва галабалар керак бўлади”.

“Ҳозирги замон” тушунчаси: таъриф ва талқинлар

Ўзбекистон Президентининг янги китобида, аввало, ҳозирги замонда халқаро майдонда ҳукм сурётган мураккаб, таҳликали жараёнлар, оқибатни башорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар, дунё ва мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши йўлидаги хавф-хатарлар, таҳдидлар атрофича таҳлил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Муаллиф ушбу асарини ёзишига қадар ҳам “Ҳозирги замон” тушунчаси борасида ниҳоятда теран мушоҳада юритиб келгани бунда катта аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таърифи ва талқинларига кўра, ҳозирги замонда: биринчидан, кўз ўнгимизда дунёнинг бутунлай янги, бекарор, хавотирли геосиёсий ва геокўтисодий архитектураси шаклланимоқда; иккинчидан, турли мамлакатлар ўртасида низо ва адоватлар, қарама-қаршилик, ишонсизлик муҳити кучаймоқда ҳамда жамиятлар ичида маънавий таназзул илдириш отмоқда;

учинчидан, нотинч ва таҳликали замонда азалий қадриятлар, одамийлик қиёфасини сақлаб қолиш тобора мушкул бўлиб бормоқда; тўртинчидан, янги вайронкор моҳиятда пайдо бўлмоқда, глобал ва минтақавий хавф-сизликка таҳдидлар кучаймоқда;

бешинчидан, ташвишли жиҳатда шундаки, бу хавф-хатарлар давлатлар ўртасида ўзаро ишонч камаётган, қарама-қаршилик ва зиддиятлар ортиси натижасида геосиёсий кескинлик ортабтган вазиятда кечмоқда; олтинчидан, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари тез-тез бузилимоқда; еттинчидан, инқироз ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича жаҳон ҳамжамиятида мавжуд бўлган халқаро-ҳуқуқий воситалар, афсуски, ўзининг самарадорлигини борган сари йўқотмоқда;

саккизинчидан, дунё ишонч, адоват ва ҳамжиҳатлик қайта тикланишига ҳар қачон-гидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезмоқда; тўққизинчидан, глобал сиёсий ва иқтисодий “парчаланлишлар”, урушлар ва моҳарролар халқаро муносабатлар тизими асоси ва ҳал қилувчи тамойилларнинг емирилишига олиб келмоқда;

ўнинчидан, қарама-қаршилик ва протекционизм жаҳон иқтисодиёти парчаланishi ва етказиб бериш занжирлари узилишига сабаб бўлмоқда; ўн биринчидан, мамлакатларнинг савдо, молия, сармоя, технология ва инновациялар трансфери соҳаларидаги самарали ҳамкорликда тўққизинчи қиладиган янги ажратувчи чегаралар вуқудга келмоқда;

ўн иккинчидан, дунёда давом этаётган турли моҳарролар, гуманитар, эпидемиологик ва иқлим инқирозлари БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда камбағалликнинг барча кўринишларини қисқартириш борасидаги саъй-ҳаракатларга жиддий таҳдид солмоқда;

ўн учинчидан, глобал иқлим ўзгариши оқибатида сайёрамизда кескин экологик вазият юзага келиб, барча қитъалар ва мамлакатларда ичимлик сув тақчиллиги, атроф-муҳит ифлосланиши, тупроқ емирилиши, кучли чанг ва қум буронлари, биохилма-хилликнинг йўқолиши, қишлоқ ҳўжалиги ҳосилдорлигининг пасайиши каби муаммолар авжига чиқмоқда;

ўн тўртинчидан, жаҳон иқтисодиётида бекарорлик кучайиб, энергетика, озиқ-овқат соҳалари ва экологик тизимда инқирозлар ўткир тус олинмоқда; ўн бешинчидан, шу билан бирга, бутун жаҳон иқтисодиёти рақамлаштириш жараёнига ўтмоқда, “яшил” технологиялар ва инновацион тараққиёт ҳар қандай соҳа ва бизнес ривожига учун устувор аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари дунёдаги ва минтақамиздаги вазиятни шу каби аниқ ва холис баҳолаб берар экан, замонавий таҳдидларни бартараф этиш учун икки томонлама ва кўп томонлама, минтақавий ва глобал даражадаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлаш бегиз эмас. Чунки китобда ҳақиқ қайд этилганидек, “Бундай мураккаб шароитда ҳеч бир мамлакат яқка ҳолда барча замонавий хавф-хатарларни четлаб ўтиб, уларнинг сабаб-оқибатларини бартараф этишга қодир эмаслиги аини ҳақиқатдир”.

Шу нуқтаи назардан, “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” китобининг қуйидаги асосий хусусиятларини санаб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз: биринчи хусусияти, Ўзбекистоннинг умумбашарий муаммоларни бартараф этиш ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган глобал ташаббусларига эътибор қаратилган; иккинчи хусусияти, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари алоҳида таъкидланган; учинчи хусусияти, янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ҳамда миллий давлатчиликнинг асосларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти чуқур мушоҳада қилинган; тўртинчи хусусияти, ривожланиш стратегияларимизнинг мақсади, асосий тамойиллари, фалсафаси ва мазмун-моҳияти кенг очиб берилган; бешинчи хусусияти, ҳозирги замонда янги Ўзбекистонни тараққиёт эттиришининг жорий ҳолатига холис баҳо берилган ҳолда, миллий тараққиётимиз истиқболлари ҳақида атрофича фикр юритилган.

Барқарор ривожланиш йўли — башарият учун ягона тўғри йўл

Президентимизнинг янги китоби кириши, хотима ва 6 қисмдан ташкил топган. Ҳар қайси қисм тегишли мавзуларни ўзида қамраган бўлиб, жами фасллар сони 46 тадан иборат. Ҳар бир қисм ва фасл бўйича алоҳида-алоҳида мақолалар ёзиш мумкин ва бу ниятимизни келажакда амалга ошириниз, иншааллоҳ. Ушбу мақолада эса мухтасар умумий мулоҳазалар билан чекланимиз.

Китобнинг биринчи қисми “Инсоният танлаган барқарор ривожланиш йўли” деб номланган. Унда БМТнинг Ингиллик ривожланиш декларациясида, кейинчалик “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби” номи хужжатда белгилаб қўйилган, инсониятнинг XXI асрдаги тараққиётига доир устувор мезонлар ҳамда глобал аҳамиятга эга эзгу мақсадлар ҳақида фикр юритилган. Муаллиф асосли эътироф этганидек, “барқарор ривожланиш йўли — башарият учун ягона тўғри йўл”.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон “Кун тартиби — 2030” да белгиланган барча мажбуриятларга тўла ва қатъий амал қилиб келмоқда. Муаллиф аини мавзуда сўз юритар экан, аввало, барқарор ривожланиш тамойиллари, барқарор ривожланиш ҳуқуқи ва Барқарор ривожланиш мақсадларининг янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этирилиши халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ томонидан юксак баҳоланганига эътиборни қаратади.

Китобда, шунингдек, барқарор ривожланиш йўлидаги 10 та хавф-хатар ва таҳдид батафсил таҳлил назаридан ўтказилгани диққатга лойиқ. Ўзбекистон Президентини қомил ишонч билан таъкидлаганидек, “замонавий таҳдидларни фақатгина мулоқот воситасида, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилиш, умумэтироф

Янги китобнинг асосий хусусиятлари

Ватанимиз дунёга, дунё эса юртимизга кенг очилмоқда. Минтақамиз ва бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз кўпаймоқда. Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли сони бўйича жаҳондаги энг йирик 40 та давлатдан бири ҳисобланади. Юртимиз шиддатли демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда.

Сўнги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан амалий қадамлар қўйилди. Мустақил ватанимизнинг ҳар бир қутлуғ одимида ва бунёдкор халқимизнинг ҳар қайси ютуғида истиқлолнинг буюк қудрати ёрқин намоён бўлмоқда. Шунинг учун Президентимиз эътироф этганидек, бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас!

Давлат раҳбари халқимизни яна бир ҳақиқатни унутмасликка чорламоқда. Яъни бугунги Ўзбекистон — бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган янги



Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, қутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур.

этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилиш орқали енгил ўтиш ҳамда айнан шу йўл билан дунё ҳамжамиятининг демократик тараққиёт йўлидан оғинмай қадам ташлашига эришиш мумкин”. Энг муҳими, халқимиз бугунги давр таҳдидларига қарамадан, бундан буён ҳам



юртимизда осойишталик ва барқарорликни асраб-авайлаш, инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожини таъминлаш, самарали фаолият кўрсатадиган бозор механизмларига асосланган, юқори турмуш даражасига эга бўлган кучли демократик

Айтиш жоизки, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва бошқа соҳалардаги ўзгаришлар билан мутаносиб равишда амалга оширилган тақдирдагина самарали бўлиши ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис, муаллиф таъкидлаганидек, “биз демократик тараққиёт йўлимизни ислохотларнинг давр талабларига мос суръати, изчиллиги ва ортага қайтмаслигини таъминлаш ва уни барқарор ривожланиш тамойиллари асосида қатъий давом эттириш йўлини танладик”.

Шавкат Мирзиёев кейинги даврда нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган энг долзарб масалалардан бири — инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий ва умминсоний қадриятларга содиқлик тамойилига алоҳида тўхтагани аини мудоадир. Зеро, кейинги 50 йил ичида биргина БМТ доирасида ушбу йўналишда 120 дан ортқ халқаро ҳужжат қабул қилинганнинг ўзидек ушбу тамойилнинг нечоғлиқ улкан аҳамиятга эгалигини яққол кўрсатиб турибди.

Бу ҳақда фикр юритганда, янги тахрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар сони 3,5 баробар оширилган ва унда 40 дан зиёд янги конституциявий ҳуқуқ муҳраб қўйилганини таъкидлаш ўринлидир. Китоб муаллифи таъбири билан айтганда, “ушбу Конституцияни янги Ўзбекистоннинг ўзига хос “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуни” деб аташимиз учун барча асосларимиз бор”.

Юртимиз “Давлат — инсон учун”, “Аввал инсон, кейин жамият ва давлат” деган янги ғояларни ҳаётга табиқ этиш орқали халқчил ва халқпарвар давлат қуриш мақсади сари дадил одимламоқда. Шу боис, китобнинг аини мавзудаги фаслида қайд этилганидек, “фақатгина халққа хизмат қилувчи адолатли ва замонавий давлат барпо этиш ғоясини Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойиллардан бири сифатида белгилаб олдик”.

Уз навбатида, аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларининг иштирокисиз, кенг жамоатчилик муҳокамаларисиз адолатли қонуни ва қарорлар қабул қилиш мумкинми, деган савол туғилиши ҳам табиий. Муаллиф бу ўринда “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган ғояга эътиборни қаратиб, жумладан, “янги тахрирдаги Конституциянинг чинакам ташаббускори ва муаллифи халқимиздир”, деб ёзади.

Китобда яна бир миллий ва умминсоний тамойил кенг муҳокама майдонига қўйилган. Бу ҳам бўлса, демократия, тенглик, ижтимоий адоват ва бирдамлик ғояларига содиқлик масаласидир.

Бундан ташқари, мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос қонуниятлари ва дунёда бу борада тўланган тажрибаларни назарда тутган ҳолда, янги Ўзбекистонда барпо этилаётган ижтимоий давлатда эътибор қаратиладиган устувор масалалар атрофича санаб ўтилган. Энг асосийси, муаллиф фикрича, “ижтимоий давлат” ва “инсон қадри” тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир”.



“ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КАМТАРЛИК БИЛАН ҚАЙД ЭТГАНИДЕК, “БИЗ СИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА БАШАРИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ҲИСОБЛАНГАН, БУТУН ДУНЁДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ ТАРИХАН НИҲОЯТДА ҚИСКА, МАЗМУНАН БИР НЕЧА ЎН ЙИЛЛИКЛАРГА ТАТИГУЛИК МУРАККАБ ВА ШАРАФЛИ ЙЎЛИГА ЯНА БИР БОР НАЗАР ТАШЛАДИК”.

ҳуқуқий давлатни, янги адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган бунёдкорона саъй-ҳаракатларини қатъий давом эттирмоқда. Бинобарин, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — яқин ва олис тарихимиз, бетақорор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, улarga таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демократик”.

Шундай эзгу мақсадларни кўзлайдиган ислохотларимизнинг фалсафа ва асосий тамойиллари қандай бўлиши керак? Китоб муаллифи аини шу савол хусусида атрофича тўхталиб, жумладан, бундай ёзади: “Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун халқимизнинг орзу-интихотларини ҳамда кенг қамровли ислохотларимизнинг моҳияти ва фалсафасини акс эттирувчи янги ғоялар ва янгича дунёқараш ҳамда талаб этилади. Бу дунёқараш, аввало, “барқарор ривожланиш фалсафаси” асосида шаклланиши лозим деб ўйлайман”.

Таҳлил

Тўртинчи учрашувда белгиланган вазифалар

ИЖРОСИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Мулоқотнинг самимий кўриниши

Президентимизнинг бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган тадбиркорлар билан очик мулоқоти соҳа вакилларига кенг имконият бераётгани билан эътиборга молик. Бинобарин, муқобили камдан кам мамлакатларда учрайдиган бу амалиёт ҳам давлатга, ҳам тадбиркорларга катта манфаат келтирмоқда. Қандай қилиб? Биринчидан, ушбу учрашувда тадбиркорлар давлат раҳбарига ўзини қийнаётган масала ёки муаммоларини айтиш баробарида соҳа ривожига хизмат қилуви тақдирини ҳам аниқлашга имконият беради. Иккинчидан, ана шу тақдирлар, фикрлар, мулоҳазалар орқали келгуси вазифаларни чамалаб оляпти. Бошқача айтганда, одамларни эшитиш орқали қарорлар қабул қилинапти. Бу давлатчилик тажрибаси учун жуда яхши.

Бу сафарги очик мулоқот, Президентимиз нутқида алоҳида қайд этилганидек, йил мобайнида давом этди. Президентдан бошлаб Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, Савдо-саноат палатаси, бизнес омбудсман — барча-барча раҳбарлар йил бўйи тадбиркор билан доимий мулоқотда бўлди. Ана шу учрашувлар орқали тасдиқланган режадан ташқари тадбиркорлар кўтарган 700 дан ортиқ масала, ташаббус ва янги лойиҳа қўллаб-қувватланди, 8 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ривожини, тадбиркорлик инфратузилмасини учун яна 18 триллион сўм йўналтирилди. Энг муҳими, кичик лойиҳадан тортиб, йирик лойиҳага қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Тадбиркорнинг вақтини ўғирлайдиган, фаолиятига жиддий таъсир қиладиган омиллардан бири ортиқча текширувлардир. Илгари кредит, бозор топиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, тинимсиз, керак-ноқерак текширишлар туфайли 60 фоиз янги тадбиркор фаолияти биринчи йилнинг ўзидеяқ тўхтаб қолар эди. Бунақад одамларда тадбиркорликка рағбат ва ишонч сўниб бориши табиий. Олдинги очик мулоқотлар давомида билдирилган фикрлар асосида қабул қилинган қарорлар натижасида бугунги кунга келиб, уч йилдан ортиқ ишлаётган корхоналар улushi 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингтага етди. Яна 100 мингдан зиёд шундай яқка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда.



ортиқча бюрократияни кескин қисқартириш қарорлари билан боғлиқ бўлган. Бу йил эса келиб тушган мурожаатлар 12 мингтага ташкил этилди.

Юртимизда тадбиркорликка иқтисодий ёрдам берилган тақдирда қаралган бир пайтда нима учун мурожаатлар камайиб ўрнига қўпайган? Бизнингча, ушбу савол жавоби ҳам айнан шу жойда. Яъни мамлакатимизда тармоқ учун яратилаётган шарт-шароит. Қулай муҳит бўлган жойда эса қўшимча имконият юзага келади. Тадбиркорликнинг янги йўналишлари пайдо бўлади. Қолаверса, бугун ўзбекистонлик ишбилармонлар жаҳон бозорига интиломоқда. Янги стандарт ва талабларни қабул қилиш зарурати туғилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янгиликлар қўллашни талаб қиладди. Буларнинг барчаси йилгилиб, тизимли масалаларни келтириб чиқаради. Мавжуд қонунчилик ҳужжатлари, ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни талаб қиладди.

Мавзуга доир яна бир маълумот. Бир мунча вақт олдин Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан ишбилармонлик муҳитини ҳисоблаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига бўлиб қўйилган муаммоларни аниқлаш мақсадида сўров ўтказилди. Сўровда республикамизнинг барча ҳудудларидан 4500 дан зиёд тадбиркорлик субъекти иштирок этиб, ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир қиладиган омилларни келтириб ўтди. Уларнинг фикрича, ишбилармонлик муҳити ер ва инфратузилмага, электр ва газ таъминотида боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги мулоқоти чоғида тадбиркор аукциондан ер сотиб олганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тизими бекор қилиниши таъкидланди. Шунингдек, сотилган ер бўйича харид суммасини 3 йилдан 10 йилгача бўлиб тўлашга рухсат берилди. Электр ва газ истеъмоли лимитдан 20 фоизгача ошиб кетса ҳам базавий тариф сақланиб қолиши белгиланди. Ўтказилган сўров ҳам бу масалаларнинг жуда муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Унда иштирок этганларнинг 75 фоизи бизнес муҳитини ўртачадан (6-10 балл) юқори баҳолаган. Шунингдек, респондентларнинг салкам 30 фоизи ер олиш билан боғлиқ масалада, 27 фоизи табиий газ, 25 фоизи электр энергиясини таъминотида қийинчиликларга дуч келётганини маълум қилган.

Муаммолар нега камаймайди?

Президентимизнинг ўтган йилги очик мулоқоти арафасида тадбиркорлардан 6 мингтага яқин мурожаат келиб тушган эди. Улар кўтарган асосий масалалар кредит ва молиявий ёрдамни кенгайтириш, бизнесни жий ва инфратузилма билан таъминлаш, солиқ тизимини соддалаштириш, текширишлар ҳамда



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ҳужжат билан Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси зиммасига қўшимча вазифалар ҳам юклатилмоқда. Шундан бири қайта молиялаштирилган ёки кафилилик ёрдами тақдими этилган микрокредит шартларига, микрокредит олувчиларга ва уларни етказиб берувчи, яъни тижорат банклари ҳамда микроолия ташкилотларига нисбатан мувофиқлик мезонларини ишлаб чиқиш вазифасидир. Ҳозир компания мутахассислари ушбу мезонларни ишлаб чиқмоқда.

Компаниянинг қузатув кенгашига 2025 йил 1 январга қадар кафилилик бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ тартиб-ботларни соддалаштириш ва унинг муддатларини қисқартириш вазифаси қўйилган. 2018 йилдан ҳозирга қадар 47 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти лойиҳасига 17 триллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган. Бунинг натижаси эса амалга оширилган самарали лойиҳалар орқали яратилган иш ўринлари, бозор янги маҳсулот ва хизматлар билан боғлиқ бораётганда кўринади. Яъни 380 мингдан ортиқ иш ўрни шу маблағлар туфайли вужудга келган.

2024 йил 1 ноябрдан кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган ҳудуд тоифасидан келиб чиққан ҳолда компания томонидан микрокредит берувчилар кўйидаги ставкаларда қайта молиялаштирилади. Бу тартиб ҳам қайта асосида муштаҳамлаб қўйилди. Бунда қайта молиялаштириш ставкаси 5-тоифа учун 12 фоиз, 4-тоифа учун 13,5 фоиз, 3-тоифа учун 14,5 фоиз, 2-тоифа учун 17 фоиз, 1-тоифа учун 18 фоиз этиб белгиланди.

Бу мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларга пойдевор бўлаётган ҳуқуқий асослардан бирида келтирилган айрим янгиликлар, ҳолос. Кейинги пайтларда ушбу йўналишдаги ишлар кўлами кенгайиши соҳа вакиллари имкониятини салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўзида тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилдагидан 25 фоиз ошди, 986 триллион сўмга етгани, йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар сони 2 қарра кўпайгани, айланмаси 100 миллиард сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2200 тадан ошгани бунинг яққол тасдиғидир.

Кўкка қараб кенгайётган шаҳар

Бунёдкорлик

Термиз. Асрлар давомида юртимиз, аждодларимиз курган салтанатларнинг жанубдаги дарвозасига қалитбонлик қилган бу қадим ва навқирон шаҳар осмонини бугун фалакка бўйлаган қурилиш кранлари банд қилган. Очиги, бундан узоқ бўлмаган йилларда Термиз деганда кўз ўнгимизга қуёш аёвсиз қиздирадиган, тупроқнинг ҳовури кўкка ўрлаган чегарадаги бир гўша келарди. Аммо бугун шаҳар кўчаларини кезган киши борки, бу тасавурлар ҳақиқат эмаслигига шохид бўлади.

Кўркам турар жойлар, хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда ижтимоий-маъмурий бинолар қурилишида шаҳарсозликнинг сўнгги ютуқларига таянлаётгани яққол кўзга ташланган. Турар жойларнинг биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари жойлашган. 2 ва 3 хонали хонадонлардан иборат бу уйлarning ташқи қисми мезморий жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда бир-бирини такрорламайдиган қилиб ишлаб чиқилган. Шаҳар чегарада жойлашгани сабабли бу ерда афғонистонлик курувчилар иштирокида Жанубий Осиёга хос, бизга эса ноанъанавий услубда бунёд этилаётган иморатларни кўриш мумкин.

Термиз туманидаги ишлар кўлами ҳам кенг. Бугунги кунгача туманда бор-йўғи 300 та хонадондан иборат 17 та кўп қаватли турар жой бор эди. Туман қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, ҳудуд жиҳатидан ҳам вилоят марказини ўраган, тарқоқ бўлган. Режалар ишлар натижасида айрим маҳалалар шаҳар таркибига киритилиб, инфратузилма ривожини учун зарур шароитлар яратилди. Айни пайтда Янгибод маҳалласи ҳудудидан 6,74 гектар ер ажратилиб, “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилмоқда.

Айни пайтда вилоятда қурилаётган кўп қаватли уйлarning 30 фоизда гиштдан фойдаланилаётган бўлса, 70 фоизи монолит усулида бунёд этилмоқда. Албатта, қурилишда ўзига хос меъёрлар бор. Унга кўра, ҳудуднинг сейсмик ва ёнғин хавфсизлиги биринчи навбатда ўрганилади.



Тумандаги Лутфкор маҳалласида куну тун ийи қизган. Жами 10 та қурилиш ташкилоти томонидан жорий йил якунига қадар 5-7-9 қаватли 30 та уй фойдаланишига топширилади режалаштирилган. 2026 йилга бориб, ҳудудда 2322 хонадонли 79 та кўп қаватли уй ва хизмат кўрсатиш объектлари, ижтимоий инфратузилма қурилиши белгиланган.

ли уй-жой қуриш режа қилинган. Шунингдек, 330 ўринли умумтаълим мактаби, 180 болага мўлжалланган мактабгача таълим ташкили қурилади. Бундан ташқари, ҳар бир массивда кўзи оқизлар мактаблари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари қурилиши назарда тутилган.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланғич 1-бета

Бугун барча олий таълим муассасалари учун халқаролашув ва трансформация жараёнлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Британия Кенгашининг Тошкентдаги валакатхонаси тақлифига биноан Эдинбург Напьер университетда ташкил қилинган халқаро семинарда иштирок этдик. Бугун дунёдан йилган экспертлар билан мулоқотлар олий таълимдаги янги глобал чақирувларнинг илгирлаб кетганини кўрсатди. Семинар номи — “Deep dialog”, шунга мувофиқ, экспертлар ҳам масалаларнинг, кун тартибидagi муаммоларнинг чуқур таҳлилига қаратилган мулоқот учун йилгиланди. Тўсиқларсиз таълим муҳитида бугунги кунгача олий таълим муассасаларида эришилган ютуқлар, кейинги йил муҳокамаси асосида ҳар ерда деярли бир хил муаммоларнинг мавжудлигини кузатиш. Айниқса, унда трансмиллий таълимнинг бугунги ва эртаси ҳақида жонли муҳокама қилди. Уша ерда

Таълим тараққиёти



Ҳар бир муаммонинг ечими мавжуд

Сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таълим тизимидаги ўзгаришлар орасида кун тартибига чиққан долзарб масала бу — инклюзив таълим. Дунёда, хусусан, Европа таълим тизимида анча ишлар амалга оширилгани кузатилади. Инклюзив таълим тўсиқларсиз таълим муҳитини яратишни талаб этади. Бу, албатта, ҳуқуқий-меъриий ҳужжатларга ўзгартириш киритишдан тортиб, биноларда эркин ҳаракатланган шартларини яратиш, ўқув-методик таъминотга — барчасини қамраб олади. Инклюзив таълим деганда, фақат ногиронлиги мавжуд талабаларга эътибор эмас, балки барча талабаларга, хусусан, имконияти чекланган ёшлар, қизларга ҳам яра-

ХАЛҚАРОЛАШУВ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ НУФУЗЛИ РЕЙТИНГЛАР ПИЛЛАПОЯСИДИР



Гулчехра РИХСИЕВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори

Таълим муассасалари билан мулоқотни кучайтириш, рейтинг агентликлари билан ишлаш асосида юқори кўрсаткичли 1000 та университет сирасига киришга ҳаракат ҳозир жуда кўп университетларда мавжуд. Ўзининг таълим сифати, илмий тадқиқотларнинг самарали кўрсаткичлари билан илгорлар сафида туришни кўзлаган университетларда ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

2024 йилда илк бор Ўзбекистоннинг 2 та олийгоҳи дунёнинг энг нуфузли университетлари ТОП-1000 талигига кирди. 2024 йилги QS Stars аудит баҳолаш рейтингиди Самарқанд давлат университети 5 юлдузли университет мақомига эга бўлди.

Бизнинг Тошкент давлат шарқшунослик университетида ҳам халқаро рейтинглар билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Жамонинг эришган ютуқларини тегишли базаларга киритиш, ҳамкорлар билан халқаролашув юзасидан амалга оширилаётган фаолият кўрсаткичларининг эътирофи натижасида THE Impact Ranking 2023 — Top-1000 талида, THE World University Ranking 2023 — “Reporter”, QS World University Ranking 2023 — “Reporter”, QS Asia Ranking 2023 — 801+ ва QS Central Asia рейтингиди 49-ўринда, Round University Ranking тизимида эса “Таълим сифати” кўрсаткичлари бўйича 404-ўринда қўринди. Бу кўрсаткичлар, албатта, дастлабки ҳаракатлар натижасида қайд этилди.

Хусусан, янги ислохотлар даврида университетда хорижий таълим олиб киришга восита бўлувчи алмашув дастурлари, турли грантлар, малака ошириш курслари, илмий-амалий, методик конференциялар, анжуманлар каби кўп йўналишдаги ҳамкорликда ўқитувчилар талаба ёшлар ва тадқиқотчиларнинг иштироки фаоллашганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2020-2024 йиллар давомида профессор-ўқитувчилар ва талабалар хорижий сафарларга юборилди. Айниқса, талабалар алмашинуви ва грант дастурлари доирасида талабаларнинг стажировка ўтагани, хорижда малака оширгани уларга катта имконият бўлди. Шунингдек, мазкур йиллар давомида 250 дан ортқ хорижий мутахассислар университетга жалб этилди. Улар ўқув, илмий жараёнларда узоқ ва қисқа муддатли фаолият билан иштирок этди.

Шунингдек, талабалар амалиётларини хорижда ташкил этиш бўйича ҳам яхши тажрибалар тўпланди ва амалга оширилди. Бу ишларни илмий тадқиқот йўналишида ҳамкорликдаги нуфузли илмий базалардаги журналларда мақолалар ёзиш, диссертацияларга хорижий мутахассислар тақризларини олиш, Ҳирш индексини ошириш, халқаро илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш каби йўналишларда ҳам кўрсаткичларини яхшилаш бўйича узлуксиз ишлашни талаб этмоқда.

Айрим таклифларимиз бор

Янги ўқув йили бошланган айни лаҳзаларда айрим таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Аввало, ҳар бир олий таълим муассасасининг халқаролашув бўйича стратегияси бўлиши зарур. Бунда олий таълимда янгиликларни ўрганиш мумкин бўлган юқори рейтингли университетлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, алмашинув меморандумлари билан қониқмасдан, аниқ режаларга асосланган икки ёқлама “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш керак.

Таълим сифатини ошириш юзасидан Буюк Британия таълим сифати кафолати агентлиги каби ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган йўриқномаларни жиддий ўрганиш, сифат мезонлари бўйича ягона ҳужжат ишлаб чиқиш зарур. Албатта, ОТМларнинг хусусиятига кўра уни тақомиллаштиришга имконият қолдирилиши мақсадга мувофиқ,

дан фанни чуқур ўзлаштиришни талаб этади. Фанларни танлаш тамойиллари аниқ бўлиши талаба ва профессор-ўқитувчилар масъулиятини ҳам оширишга хизмат қилади.

Халқаро миқёсдаги таълимий лойиҳаларни яратиш ва консорциумга маҳаллий ОТМларни ва ҳамкорларни киритиб, олий таълим тизимидаги янги тажрибаларни олиб киришга йўналтириш лозим. Айни дамда биз юқорида айтилган тақомиллашув жараёнида айнан таълим сифати кафолати, ўқув дастурларини соҳалар бўйича ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ёзишимиз ва тақдим этишимиз керак. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистон олий таълими учун муҳандислик соҳаларида бу каби лойиҳаларни яратиш устуворлик касб этади. Масалан, Эрасмус+ дастурининг салоҳиятини ошириш лойиҳалари биз кўзлаётган мақсадга мос келади. Бу эса техник таъминот, ўқув лабораториялари базасини янгилаш, ўқитувчилар малакаларини соҳа бўйича ва педагогик талаблар нуқтани



Шунингдек, соҳалар бўйича методологиянинг илгор шакллари жорий этиш сифатга ҳам таъсир этади.

Миллий малака рамкаларининг тақомиллашган, тасдиқланган ҳолатида барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари стандартлари ва малака талабларини қайта ишлаб чиқиш зарур. Бу, албатта, илгор хорижий тажрибани ўрганишни тақозо этади. Ушбу вазифа трансформация жараёнининг энг муҳим талабидир.

Ўқув режаларини фанларнинг оптималлиги билан тақомиллаштириш бошланди. ОТМларимиз эндиликда кейинги босқичларга қадам қўйиши зарур. Бунда фанлар миқдорини камайитиш, ammo мазмунга алоҳида эътибор қаратиш муҳим, унинг таркибидagi модуль қисмлари таркиб мантиқий боғланиши, аввалги таълим босқичларидаги контент тақорланмаслиги керак. Бу педагог томонидан таълим сифатини таъминлаш ва талаба-

назаридан ўстиришга катта имконият беради.

Ҳамкорликдаги илмий лойиҳалар олимларимиз салоҳиятини оширишга муҳим. Европа тадқиқот методологияларини чуқур ўрганиш зарур, қисий тадқиқотлар янги йўللари кўрсатиб беради. Шунга таъкидлаш жоизки, дунё фани ютуқлари билан танишиш ҳамкорлар топши йўлидан бир-бири. Савол туғилади. Ҳўш, ривожланган мамлакатлар университетлари бу лойиҳалардан қандай манфаат кўради? Кузатишларимизга кўра, олимлар ўз натижаларини амалиётга жорий этишдан, айниқса, халқаро даражада, ҳамкор университетлар билан таълимий жараёнларга киритиш улар учун яхши натижа беради. Чунки impact (таъсир), implementation (жорийланиш), dissemination (тарқатиш), sustainability (барқарорлик) тушунчалари ҳар қандай лойиҳанинг асосини ташкил қилади. Бунга эса бу лойиҳалар таълим жараёнига янгилик киритишимизда жуда

қулай имконият. Олимлар салоҳиятини намойиш этиш учун ҳам зўр шартот.

Лойиҳаларнинг ҳар қандай тури учун хорижий ҳамкорлар, донор ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш ОТМлар инвестицион сиёсатининг муҳим кўрсаткичи бўла олади. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик томонидан ажратилаётган давлат грантлари асосидаги илмий лойиҳаларда, албатта, хорижий таълимнинг жорий этиш талаби бўлиши шарт. Шунда жаҳон фани ютуқлари билан узилш кузатилади. Интеграция учун яхши шартот яратилади. Шунингдек, лойиҳалар молиявий қисмида албатта хорижий университетларга илмий сафарларни уюштириш, ҳамкорликдаги нашрларни чоп этиш, улардаги кутубхона, лаборатория имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур. Халқаролашувда талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувларини кўпайтириш керак. Шунга таъкидлаш жоизки, “тадқиқот маданияти” ва методологияни ўрганишга, таълим сифатини ошириш нуқтани назаридан шахсий малака бўлмагунча биз янгилик қила олмаимиз. Бунинг учун университетлар бу борада молиявий таъминот йўллариини излаши шарт.

Трансмиллий университетлар ва давлат олийгоҳлари ҳамкорлиги таълим сифатига самарали таъсир кўрсатади

Ҳозирда қулай бўлган бир имконият ҳақида айтишни истардик. Бизнинг маҳаллий университетлар узоққа боришдан олдин Ўзбекистонда фаолият юритаётган университетлар, хорижий университетлар филиаллари фаолияти билан яқиндан танишиб, уларнинг тажрибаларини ўрганишни йўлга қўйса, айни муддао бўлади. Масалан, хорижий университетлар таълим жараёнида регистратор офиси, талабаларни қўллаб-қувватлаш маркази, таълим сифатини ошириш, муҳокама таълимни кучайтириш ва билимларни баҳолашдаги ноанъанавий тартиблар мавжудки, уларни ўрганиб, бизнинг маҳаллий университетларга киритишда фойдаланиш мумкин.

Бу йўлда кичик имкониятдан самарали фойдаланишимиз мумкин бўлган қулай шартотимиз борлигини таъкидламоқчимиз. Ўзбекистонда бугун ўндан ортқ трансмиллий олий таълим муассасаси бор. Улардан энг биринчиси Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети. Бу каби университетлар билан маҳаллий давлат университетларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш керак.

тиладиган шартотлар кўзда тутилади. Охирги йилларда мамлакатимизда қизларимизга давлат томонидан берилган имкониятлар, имтиёзлар, магистрантларга шартнома тўловларини қоплаб бериш айнан шу йўлдаги ишларнинг аниқ мисоллари дейиш мумкин. Энди биз уларнинг муносиб иш билан таъминланиши, ўз соҳаси ишлаши юзасидан ҳам аниқ чоралар кўришимиз лозим.

Инклюзив таълим бўйича ногиронлар жамияти масъулари билан ўтказилган муҳокама ва семинарлар бугунги кунда масаланинг ечими бўйича кўпгина муаммолар борлигини кўрсатди. Бу борада хорижий ҳамкорлар билан янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, халқаролашувни кенгайтириш зарур.

Биринчидан, талабаларни қўллаб-қувватлаш маркази — Support center ривожланган хорижий университетларнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Уларнинг таълим жараёнидаги долзарб вазифадир.

Айниқса, халқаролашув жараёнида олий таълимдаги энг асосий иштирокчилар бўлган талабаларнинг ижтимоий муаммоларидан тортиб, халқаро таълим томон қадам қўйишларига бўлган жараёнда тўғри йўналтирувчи масъуллар роли жуда катта эканини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, талабалар амалиётини ташкил этиш, иш ўринлари тақлиф этиш карьера марказлари фаолияти бўйича ҳам халқаро таълим билан яқиндан танишиб, уларнинг тажрибаларини ўрганиш жуда муҳим. Ақс ҳолда, таълимдаги малака талабалари, бозор эҳтиёжлари ҳамда иш берувчиларнинг битирувчиларга бўлган соҳавий-амалий талаблари ўрнатсида уйғунлик бўлмайди.

Биздаги энг огрикли нуқталардан бири ҳам шу, аслида. Таълимнинг амалиёт билан етарлича боғланмаётгани, иш берувчиларнинг халқаро даражада интилиши етарли эмаслиги ҳар икки томонда ҳам ўзгаришни тақозо этади. Бу борада ҳам internship (соҳавий амалиёт) дастурларини мослашувдан ёндашув асосида йўлга қўйишни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Инсон капиталига алоҳида аҳамият қаратилаётган бугунги кунда кадрларнинг юқори салоҳиятли бўлишини таъминлашда олий таълимда сифат босқичига ўтиш талаб этилмоқда. Бу босқич эса олий таълимда фаолият юритаётган ҳар биримиздан ишимизга масъулият билан ёндашишни, трансформация жараёнида тўғри ҳамкорлар танлашимизни, ўз устимизда мунтазам ишлашимизни тақозо этади. Энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, халқаролашув жараёнида белгиланган қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда иш юритиш, янги тажрибаларни киритиш асосида ўзимизнинг миллий анъаналаримизга мос бўлган, ватанпарвар ва фидойи ёшларни тарбиялаш бўйича олдимизга қўйилган устувор вазифаларни унутмаслигимиз зарур.

ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАР ДУНЁГА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАДИ

Бугуннинг гапи

Жамшид ШОНАЗАРОВ, Шаҳрисабз давлат педагогика институти биринчи проректори

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигини кўтаринки руҳда нишонладик. Бу рақам айни пайтда куч-қувватга тўлган, юксак салоҳиятга эга инсон камолотини тасаввуримизда жонлантиради. Ўтган даврда мамлакатимиз барча соҳалардаги тараққиёт йўлини мустақамлаб олди. Миллий тараққиётимиз янги сифат босқичига ўтди.



Жаҳон ҳамжамияти билан барча жаҳаларда дипломатик ва халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ислохотларни тубдан янгилаш ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган ечимлар топши, мамлакат ва жамиятни ҳар томонлама модернизация қилишга доир ишлар бажарилди.

Бугун ёшлардаги бунёдкорлик, кашфиётчилик, ихтирочилик, изланувчанлик ва шижоатни кўриб ҳавасини келаётир. Касбимиз тақозоси туфайли ёшлар билан кўп мулоқот қиламиз. Асосий вақтимиз улар орасида ўтади. Ёшлар ўз олдига катта мақсадлар қўйган. Бу йўлдаги интилиш ва шижоат ҳар қандай одамни руҳлантириб юборади. “Буни қандай бажараман? Удалай оламанми? Ўхшамасачи?” деган кўркув, ҳадиқ йўқ. “Мен бажараман! Улдасидан чиқаман! Қўлимдан келади!” деган қатъий ишонч бор. Уларга бу куч-қувват қердан келяпти? Жавоб топишга ҳаракат қиламиз: давлатимиз руҳлантирипти. Шароит яратаяпти, чексиз имконият берапти.

Ёшлар жуда закий. Етуқ педагог бўлишдан ташқари бири ёзувчиликка интилади, бошқаси шоир бўламан, дейди. Хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар сафи кундан кунга кенгайиб борапти. Ахборот технологияларини мукаммал билишга ҳаракат қилишади.

Уларни кузатишни яхши кўраман. Ҳамманинг суҳбатини тинглаб турган Ойша қизимиз боғча тарбиячиси бўлишини, вақтиний фақат болалар билан ўтказишни таъкидлайди. Қўлидаги торни тингирлатиб машқ қилаётган Уктам эса катта бастакор бўлмоқчи. Улар театр учун келгусида қандай асар топиш, асардаги қаҳрамонлар роллари тақсироти, талабалар театр жамоаси фаолиятини тақомиллаштириш хусусида ёки “Кувноқлар ва узоқлар” жамоасининг янги таркибини шакллантириш, репертуарини кенгайтириш ҳақида баҳслашади. “Заковат” клубини янги ўқув йилида янада жонлантириш, кучайтиришни муҳокама қилади. “Мунозара” дебат

жамоасининг кейинги ўйинларида қандай қизиқарли саволлар бериш, энг муҳими, ўтган даврда йўл қўйилган хатолардан хулоса чиқариш, тажрибасизликдан тажрибага, билмасликдан билишга қараб интилиш ва янги марраларни кўзлаш кабилар хусусида суҳбат-лашади.

Албатта, ушбу муҳокамадан “Кеш нолалари” мақом ансамбли ва “Кеш наволари” талаба ёшлар эстрада жамоаси фаолияти, йиллик ҳисобот концертлари, мусиқа асбоблари мавзуси ҳам четда қолмайди. Суҳбат вақтида улгурмай қолган жиҳатларга талабалар фикрларини бизга ёзиб юборади.

Кўп таъкидлашимиз: бугунги ёшлар кекаги ёшлар эмас. Улар ҳар томонлама замонавий билимга эга ва шунга монанд фикр юритади. Оруларни ўзларидека магарур. Мақсадлари улуг. Ёшларимиз аниқ шундай оруз-мақсадлар билан илм чўққиларини заёт этишга жидду жаҳд қилган. Бу уларнинг фан олимпиадаларидаги ўринда илк нишона бермоқда. Этуқ мақсад йўлида дадил қадам қўётган, маррани баянда олаётган ёшлар ҳали билимини, салоҳиятини, иқтидорини намойен этиши, дунёга ўз сўзини айтиши шубҳасиз.

2024 йил 19 сентябрь, 191-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Замондош

ФАН ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН санъат соҳибиди

ёхуд Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, хаттот Ҳабибулло Солиевнинг сабр меваси

Самода кўз очган ният

Ёз фасли поёнида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраш ва оммалаштириш бўйича жаҳон жамияти — WOSCU томонидан ташкиллаштирилган “Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси” мавзусида VIII халқаро конгресс бўлиб ўтди. Хорижий ва маҳаллий ОАВнинг бир гуруҳ вакиллари қатори каминга ҳам Самарқанд шаҳри мезонлик қилган анжуман ишини ёритишга сафарбар этилдим.

Ташкилотчилар вақтдан ютиш мақсадида меҳмонлару мезонлардан иборат катта делегацияни Тошкентдан олиб кетиш учун самолёт ҳозирлаб қўйган экан. Йўловчилар орасида юртимизнинг кўзга кўринган олимлари — исломшунос, фикшшунос, қадимшунос ва уламолар бор эди. Бир киши кўзимга иссиқ кўринди. Эсладим. Хаттот Ҳабибулло Солиев (Ҳабибулло Солих).

Унинг ижод намуналарини 2-3 йил аввал пойтахтимизда бўлиб ўтган хўнарамандлар кўргазмасида кўргандик. Юртимиз ва хориждаги юзлаб тарихий обидада уста хаттотнинг 2 мингга яқин муаллифлик иши акс этганини



билиб, ҳайратимизни яширолмадик. Соҳани бир оз бўлса-да тушунган одам бу рақамнинг нечоғлик салмоқли эканини яхши билади.

Утган йили Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжа таниқли хаттот иштирокида телевидение учун тайёрлаган кўрсатув анча шов-шувга сабаб бўлди. Суҳбат YouTube платформасига ҳам жойланиб, минглаб юртодошимиз устанинг дунёни ҳайратга солган ишларидан, араб давлатларида маҳаллий эзогонларни ҳам билими, иқтидори, маҳорати билан хангу манг қилганидан хабар топди. Миллатдошларимиз Ҳабибулло аканинг араб тилида ваъз ўқиб, арабларнинг ўзини лол қолдирганидан фахрланди.

Чамаси 300 кишини бағрига олган учоқ самода тахминан 40 дақиқа парвоз қилиб, қадимий меҳмондўст кентнинг муқаддас заминига кўнди. Мен эса Самарқандда ўтажак



тадбир давомида машҳур хаттот билан яна бир суҳбатлашниши дилимга тугдим.

Техник муҳаррирликдан эл эътирофига

Ҳабибулло Солиев 1949 йили тугилган. Ўрта мактабни тамомлагач, Бухородаги Мир Араб мадрасасида, Тошкент ислом институтида тахсил олади. Ўқиниши битиргандан сўнг Ўрта Осиё ва Қозғистон муслмонлари диний назорати кутубхонасида ва “Совет Шарқи муслмонлари” журналида техник муҳаррир бўлиб ишлайди. Диний назорат йўлнамаси билан 1982-1987 йиллари Иордания Подшоҳлиги университетига ўқийди. Қайтгач, яна диний назорат кутубхонасида фаолиятини давом эттиради.

Ҳабибулло Солиев Ўрта Осиёда аждодлар кашф этган, Қуръонни кўчиришда қўлланиладиган насх, буйруқ ва фармонларни ёзишда ишлатиладиган тавке, мактубга хос рико ва бошқа хат услубларини мукамал эгаллаган моҳир хаттотдир. Исмоил маҳдум Соттиев, Абдуғафур Разақов (Бухорий) унинг хаттотлик йўналишида устозларидир.

Бобоси домла Солих Каримов Бухоро амрлигида хаттот котиблардан бўлган. Ҳабибулло Солиев кўплай хорижий мамлакатларда ўтказилган танловларда қатнашган. У 1998 йили Истанбулда ўтказилган халқаро хаттотлар беллашувига кучли ўнликдан ўрин олган. Шунингдек, 1999 йили Покистоннинг Лахор шаҳрида бўлиб ўтган II халқаро хаттотлар фестивалининг 2-ўрин совриндори, “Парвин қалам” унвони соҳибиди.

Уста хаттот 2002 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланган. 1998 йилдан эътиборан Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси. У мазкур академиянинг кумуш медали билан ҳам тақдирланган.

Хаттотлик санъати ривожига улкан ҳисса қўшиб келатган Ҳабибулло Солиев айти пайтда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази илмий ходими сифатида фаолиятини давом эттирмоқда.

Тадбир ичидаги тадбир

“Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси” VIII халқаро конгресси ишининг биринчи кунини 24 августга тўғри келди ва муваффақиятли якунланди. Эртаси кунини йирик тадбир давом этар экан, модератор дастурдан чекиниб, иштирокчилар эътиборини ўзига қаратди.

— Муҳтарам меҳмонлар, конгресс иштирокчилари. Сизларга мамнуният билан маълум

қилмоқчимизки, бугун матбуотда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Қувонарлиси шундаки, ватанимизнинг юксак мукофотида сазовор бўлганлар қаторида бугунги халқаро тадбиримизнинг 4 нафар иштирокчиси ҳам бор.

Маълум бўлишича, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг Бухоро вилоятидаги вакили, Бухоро вилояти бош имом-хатиби, Мир Араб олий мадрасаси ректори Жобир домла Элов, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг Қашқадар вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби Раҳматулло Усмонов, Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари, Қувасой шаҳри бош имом-хатиби Алишер Нанмов “Имом Бухорий” ордени, устоз хаттот, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Ҳабибулло Солиев “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Самода кўз очган ниятим қатъийлашди: Ҳабибулло аканинг вақтини топиб, суҳбатлашим керак, вассалом. Интернетга мўралялашман. Ҳа, фармонда халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, ада-



биёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида эришадиган юксак натижалари, юртимиз тараққиётини таъминлаш,

жамиётда тинчлик ва тотувлик, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг эзгу ғоялар руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, шунингдек, жамоат ишларидаги фаоллиги таъкидлаиб, уста хаттот меҳнати яна бир бор эътироф этилибди.

Залдагилар орасидан бошига дўппи кўндирган, истараси иссиқ Ҳабибулло ака минбар томон одимлай бошлади. Уста икки қўли кўксиде, табассум билан атрофда тик туриб олқишлайётганларга миннатдорлик билдирар эди. Шу кунни табрик ва олқишларнинг кети узилмади. Хаттотни билганлар ҳам, билмаганлар ҳам унинг қўлини бир сиқиб ўтарди.

— Бугун халқимиз эришадиган барча ютуқлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилоллик натижасидир. Тинчлик ва оқилоллик эса одил сиёсат меваси. — дейди Ҳабибулло ака. — Кеча Ўзбекистон Президентининг конгресс иштирокчиларига йўлаган табриги ўқиб эшиттирилгандаги ҳаяжоним босилмай, бугун янги хушхабардан ўзимни энг бахтли инсон сифатида ҳис қиламан. Камтарона меҳнатлар ҳам эъзоз топадиган юртимизга, меҳнатнинг қадрига етадиган халқимизга таъзимдаман, раҳбарларимиздан миннатдорман.

Хаттот бўлмасам-да, устоз дедим

Танаффус пайти мавридани топиб, Ҳабибулло аканинг ёнига яқинлашдим.

— Ассалому алайкум, устоз. Юксак мукофотлар билан табриклаймиз. Табрикларимизни қабул қилинг.



Ўзим билмаган ҳолда у кишига устоз деб мурожаат қилдим (эшитган одам мени ҳам хаттот бўлса керак деб ўйлагандир). Меҳнати ордан эъзоз топан бу инсонга яна қандай юзаниши мумкин? Хаттотликдан таълим бермаган бўлса-да, унинг истеъдоди, заҳматлари, қўлининг ҳар қандай одамга ўрнак қилса арзийди.

— Ука, сиз журналист-сиз, бугунги газетани қаердан топсам бўлади. Президентимиз имзо чеккан ҳужжатни тезроқ ўз кўзим билан кўргим келяпти.

Устанинг ийманибгина айтган гапи менга далда бўлди. Дарҳол телефонимдан “Янги Ўзбекистон” газетаси 25 август сонининг электрон шаклини очиб бердим. Ҳабибулло ака овоз чикариб ўқий бошлади:

— Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кенг кўламли илоҳотларни самарали амалга ошириш, ўзининг ёрқин истеъдоди, кўп қиррали ижодий, илмий-амалий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим,

адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни оила юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокимиз учун мукофотлашибди.

Энди қаранг-да, бир пайтлар имом-хатиблар, хаттотлар номини айтиш, бирорта расмий ҳужжатларда уларни эслаш мумкин бўлмаган замоналарни ҳам кўрдик. Бугун муқаддас динимиз ва буюк аждодларимиз меросига ҳурмат ифодасининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

— Устоз, анча йиллар муқаддам сиз ҳақингизда эшитиб, муҳлиснингизга айланганимиз, ижодингизни баҳоли қудрат кузатиб келамиз. Хаттотлик касбига қандай таъриф берган бўлардингиз?

— Хаттотлик арабчада “хуснихат ёзуви”, ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий ишчилик, бадий буюмларнинг китобларини яратиш касби. Бу ҳунар ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келган. Айниқса, араб ёзуви кенг тарқалиши туфайли хаттотлик ривожига жадаллашди. Шарқда, жумладан, бизнинг ўлкамизда ҳам китоб босиш вужудга келгунга қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш билан хаттотлар шугулланган.

XIV-XV асрларда илм-фан, маданият ва санъатнинг барча соҳаларида бўлгани каби хаттотлик санъатида ҳам мисли кўрилмаган юксалиш кузатилди. Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида бир неча хаттотлик мактаблари пайдо бўлди.

Хаттотлик санъатидан меъморлик ва халқ амалий санъатида ҳам кенг фойдаланилган. Юртимизда азалдан меъморий ишчилик — масжидлар, мадрасалар ва мақбараларнинг

қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё жамоатчилигига етказиш, диний-маърифий қадриятларимизни тарғиб ва тадқиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратишмоқда.

Бу борада 2017 йил 23 июнда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуринда Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Давлатимиз раҳбари Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудидан жой оладиган ушбу марказнинг қўрилиши бўйича лойиҳага, унинг ташкил қўрилишидан тортиб, бу ерда ишлатиладиган қурилиш материалларига эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган.

— Марказда маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилиб, натижаларидан кенг жамоатчилик хабардор қилиб борилади. Жаҳон аҳлини бир мақсад — жаҳолатга қарши маърифат билан курашда тўғри йўлда бирашишга чорлайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, хаттотлик, муқовасозлик, эски турк (чингаот тили), араб, форс, лотин, инглиз ва француз тилларини ўргатиш ва улар орқали манбашуносликни кенг йўлга қўйиш бўйича ҳам ишлар режалаштирилган.

Хаттотлик Шарқ мамлакатларида ўзига хос алоҳида йўналиш сифатида ва фан даражасига кўтарилган бебаҳо санъатдир. Хаттотларнинг хатлари маъно ифодасидан ташқари кишини ҳаяжонга солиб, унга эстетик завқ берган. Ҳабибулло Солиев ва унинг ишини давом эттирадиган шогирдлари, фарзандлари, оила аъзолари зиммасида бугун катта масъулият бор.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3200
41369 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусахҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллоев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй